

Ижодкор шахс тарбиясида сўз қудрати ва ҳикмати

Джуманов Исоқтой

Саҳна нутқи кафедраси профессори в.б.

Аннотация: Мазкур мақола санъат ва маданият бўлимларининг, бакалаврият йўналишидаги “Саҳна нутқи” фанининг нутқий техник ифодавий имкониятларини такомиллаштириш, ижодкор шахс тарбиясида сўз қудрати ва ҳикматининг ўрни аҳамияти вазифалари, услубий, амалий ва ижодий вазифалари ҳақида фикр юритади.

Аннотация: Работа над дикцией, голосом и живого слова является чрезвычайно важной задачей, в сфере искусства театра, кино, радио и телевидения. Необходимость расширения выразительных средств в творческой практике и теории, остро стоит необходимость идейного и духовного воспитания актёрских режиссёрских кадров.

Annotation: The need to expand the aesthetic space different kinds of art, including artistic expression, creative practice and in theory, an acute need for ideological and spiritual education of the youth of today. It opens up new opportunities to realize their spetsificheskogo nachala. Different texts by genre, content, meaning, converted action, plastic and spatial solution, through artistic expression detected outputs to the hidden, the unknown, the unexpected semantic accent.

Давримизнинг шиддатли, тезкор тараққиёт экинлари негизда актёрлик ва режиссёрлик санъати ҳам замон ва макон фалсафаси, ғоявий устиворлиги, юки, вазифалари, шарт шароитлари асосида ўзининг таъсирчан ифода воситаларини топишга интилади.

Бўлғуси ижодкор шахс ўзининг актёрлик маҳорати баробарида нутқий ифодавий имкониятларини такомиллаштириб борар экан, у товуш, сўз, ва жумлалардаги теран маъно, фикр, ғоя, мақсади ичига чуқур кира олса, ақли ва қалби билан ҳис этса, тасирланса, сўз ўзининг қудратли ва ҳикматли қиммати кўз очади. Бу ўринда режиссёр ёки актёрлик маҳорати ўқитувчисининг сўзга бўлган эътибори ва масъулияти билан ҳам боғлиқ.

Нутқимизнинг қудрати ва ҳикматига эришиш учун, хотирани пешлайдиган турли мураккабликдаги сажли тез айтишларнинг ўзлаштирилиши ижодкорнинг нутқини ўстириши, сўз бойлигини оширишини, диққат ва хотирани мустаҳкамлаш билан, вазият воқеа, шарт-шароит, мақсад, рухий ва жисмоний ҳатти-ҳаракат ечимлари устида изланишга йўллайди. Ўз ўрнида бу сўз устида ишлашнинг турли ўйинли, ақлни чарқлайдиган, хотирани мустаҳкамлайдиган муносабатларни фаоллаштирадиган тизимларини юзага келтиради.

Ўз нутқининг қудрати ва ҳикматига эришмоқчи бўлган ижодкор мутахҳасис, нутқи устида ишлашга бўлган эътибори эътиқоди меҳри, қизиқувчанлиги суист бўлса, ҳечқачон талаб қилинаётган даражага эриша олмайди. Қисқа муддат ва кам меҳнат билан ўзлаштирилган нутқий кўникмаларнинг умри ҳам қисқа ва саёздир. Актёр ўз нутқини доимий такомиллаштириб, чиниқтириб бормас экан нутқий ифодавийлик ҳам қорёмғирдан нураган паҳса девордай нураб емирилиб боради. Бугунги кунда театрлар қошида очилган студияларда актёрлик маҳорати ва сахна нутқи учун деярли барабар вақт белгиланади. Актёрлик ва режиссёрлик йўналишида таълим олаётган талабалар доимо изланишлар уйғунлигида нутқи учун мураккаблаштирилган тўсиқлар қуриши ва бу тўсиқларни эркин забт этишга ўзини чиниқтириб бориши лозим. Инсон нутқи шаклланиши, унинг таъсирчан ифодавий тизимларида фикр, ғоя, мақсадлар муштараклиги мавжуд. Сўзимизни тасирчанлигини такомиллаштрувчи асосий омил фикр ва мақсадларнинг аниқлиги унинг ҳаракатдаги ёрқин ифодаси, муносабатлар фаоллиги билан боғлиқ. Нутқимизнинг мазмунли, аниқ, равон ва бетакрор бўлишида нафас,овоз ва талаффуз устида ишлашнинг аҳамияти катта ва у мавсумли ва ўткинчи жараён эмас. Нутқнинг ифодавий имкониятларини кенгайтириш мақсадида тузилган матн устида ишлашимиз нечоғлиқ зарурлигини маълум. Тасаввур, фикр ва муносабатлар фаоллиги ошириш, воқеалар тизими ҳамда унинг ифодавий таъсирчанлиги, нутқда

ўзгарувчанликка, бетакрорликка эришиш учун қуйидаги матн ва унинг мураккаблаштирилган ифода воситаси сифатида кўрамиз;

Яқин қадим замонда, Чамангул юрт Жамбул томонда, дунёси элига ёққан, олам сирларин уққан, дарёси тошиб оққан тоғлари оппоқ қорли,қирлари арчазорли, шамоллари ёқимли, манзараси боқимли, тулпорлари тақимли, сулувлари навниҳол, келинлари шўҳ-шаддод, кампирлари жаврақи, чоллари-чи сайроқи экан.

Ана ўша Жамбулнинг читти гули,чинни гулли,гулсафсар гулибеор,мушки бисёр,бори бозор бўлиб ўсадиган «Жужила-замбазм-иззаламдумбул-қайроққум ундарамхуммор» юртида, танловларга ҳуши йўқ ,пардоз билан иши йўқ, бўз йигитлар томоқ қирса, лаб бурган, ҳумор боққан не кўзларга, бурун жийирган, тишни асраб писта, бодом чақмаган, кўз-кўз учун ёқут зирак тақмаган, ишқ оташга сира иши тушмаган, эртак билан ўз-ўзини ҳушлаган, ўттиз кунлик тўлин ойдай ойдин бешта қиз,чеварликда узун-узун солиб из, кўп кўп ўтиб баҳору ёз, кузу-қиш,эл оғзига элак тутмай, тингламай миш-миш, кишмишларни кўп севса ҳам, емай киш-миш, бошларига орттирибди бир ташвиш. Бир ташвишки алламбало айри жиш, бошдан учиб ҳаёлу ноз, эсу ҳуш, бўлибдилар чирқиллаган бешта қуш, бешта қушки қир адирда беи дарга, қағ-қағ сайраб қанот қоққан беи қарга, шунда келиб бир нуроний мунажжсим, мунажжсимки бор дунёси сир тилсим, беи қаргага қараб-қараб гудранди;

Қирда беи қайрағоч. Қирдаги беи қайрағочдан бешта симёғоч.. Қирдаги бешта қайрағочдан қурилган бе ишта симёғочг қаср қурган бешта қаргани қаргаган Қаноатнинг бешта қуроқ қопчага; бешта қайрағоч қобигининг кукуни, беи дона исириқ гулининг тутуни, беи чимдан маккажўхори попугининг кукуни бешта дона исириқ гулининг тутуни, бешта қовоқарининг қирқ томчи тупуги, беи зарра ёз ёмғирининг томчиси, бешта типратиконнинг тикани, беи дона қўқон гилосининг данаги, беи дона қора мурчнинг майдаси, беи дона қантак ўригининг данаги,беи дона оқ киш-мишининг магизи, бешта бедана туҳуми пўстлоги, бештата

тошбақанинг тирноғи, бешта ўргимчак тўрининг ипи, беш қошиқ қора тарвузнинг сувни қўшиб, беш қулоқли мис қозонда қайнатилиб, бешта кумуш ангишвонага қўйилиб, беш кун қоронғу қазноқда совути-либ, беш марта ҳидлаб беш марта чучкириш, беш марта тил учида ялаб қаҳ-қаҳа уриб кулиш, беш томчиси кўзга, беш томчиси буришган юзга, беш томчитси қулоққа, томоқ, бурун, оёққа, бўёқдай суриш буюрилибди. Беш кундан кейин қарабсизки бешта қарга беш марта чарҳ уриб, беш марта қанот қоқиб, беш марта бир бирига боқиб, беш марта бири бирига жудаям ёқиб, ниҳоятда, келишган, ниҳоятда, тўлишган, моҳитобон, сарвиравон, шоҳсупада зебижаҳон, бодомқовоқ, юпқа томоқ қалам бармоқ, садаф тирноқ, оҳу кўзли, асал сўзли, оғизлари ўймоқдек, сўзлари қаймоқдек, ой болдоғи ярашган, нозланиши сеҳрли, кўрганларга меҳрли маликаларга айланиб, малаклардай товланиб, қолишларини башорат қилди.

Қизлар шошганда шошиб, эс ҳуши учиб, денгиздай тошиб, донишманднинг айтганини муҳайё қилди. Аммо ҳидлайдиган, томизадиган ялайдиган пайтда талашиб тортишиб, туртишиб: «Мен биринчи, йўқ мен биринчи, мен каттаман, мен яккаман» -деб тўкиб қўйишиди.

Тўкилган малҳамни ўрмалаб юрган қирқта чумоли ҳидлаб, ичиб, ялаб бешта чумоли маликаларига айландилар.

Истеъдод инсон табиатининг энг ноёб хусусиятларидан биридир. Агар у изчил изланиш, ўрганиш, буюк меҳнат билан уйғунлаштирилсагина инсоният меҳрини, ардоғини ҳайратини қозонувчи самаралар яратади. Истеъдотнинг чегараси, аниқ таърифи борми? Истеъдот бу борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг бошқалар илғамаган, ҳис этмаган, «кўрмаган», «зарралари»ни ҳам кўра олиш, ҳис эта олиш, идроклай олиш салоҳиятидир. Актёрлик таланти эса оламни рассом кўзи билан кўра олиши, ёзувчи, шоир, драматург ақли ва қалби билан ҳис қила олиши ва актёрлик маҳорати ва тили орқали жонлантиради. Сўз санъати, қудрати, сеҳри, мўъжизаси, таъсирчанлик томонларини ўзлаштириш учун муаллифлар фикрлаш тарзи, мақсади ички ва ташқи ҳатти-ҳаракатини англай билиши ва англата олиш сир-синоатини

эгаллаши лозим. Актёрлик мактабининг илк машғулотларидан нутк техникаси билан уйғунликда ёш ижодкорни тасаввурини бойитиш, бекиёс оламни минг бир манзаралари, улардаги ғаройиб турфа воқеалар оламини идроклаш ва фикриёти элагидан ўтказиб мантиқий, жонли, равон ифодалаш маҳоратини шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Саҳнада туриб айтилган нотўғри сўзни, айникса ижрочи ўзи сезмаганлиги сабабли қайтариб бўлмайди. Бундай ҳолларни олдини олиш энг қулай ягона тўғри омили дикция устида қилинадиган тинимсиз меҳнатдир. Мураккаблаштирилган воқеали тез айтишлар устида ишлашда талабалар нутқини такомиллаштиришга қаратилиб тақдим қилинган, айтилиши қийин жумлалар, талаффуз машқлари, тез айтишлар, сажлар, кичик воқеалар билан бир қаторда ёш ижодкорларни топқирлик, ҳозиржавоблик, кашфкорлик сўз машқларни тўлдириш, ранг-баранглаштириш, ижодий матнлар яратиш вазифаси берилади. Амалий машғулотлар жараёнида яратилган мураккаб тез айтишлар нутқий диққат ва хотирани чиниқтириш, сўзга турли маъно, ҳатти-ҳаракат, мақсад қўя билиш унинг ижровий талқинини табиий ва техник жиҳатдан мустаҳкамлаш каби муҳим омилларга эътибор қаратилади. Нафас, овоз, артикуляция, дикция, пластик мутаносиблик, товуш бирикмаларининг мураккаблаштирилиши, тасаввур, фикр ва муносабатлар фаоллиги учун, махсус матнлар жамламаси тузилади.

Хулоса қилиб айтганда Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон фуқароларига мурожатида, “Мақсадимиз –одамларнинг кўнглини кўтариб, илму фанимизни, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга қайтадан олиб чиқишдир. Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-аввайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига синдирайлик, жамитимизнинг кундалик ҳаётида доимо устивор қилайлик”[1. 416], -деган пурҳикмат гаплари ижодкор шахс тарбиясида сўз қудрати ва ҳикматига эришишимиздаги асосий фикр ва амалларимизнинг бош мезонидир.

Саҳна нутқи ва сўз санъатида бугунги кун талаблари даражасига эришиш учун изланиш, ирода, идрок кучи ҳошиш, қизиқувчанлик, эътиқод, меҳр уйғотиш каби ўзлаштирилиши шарт бўлган вазифалар мавжуд, Бўлғуси актёр ва режиссёр овози, нутқида мукаммал ифодавийликка эришиш қисқа муддатда амалга ошириладиган кўникма эмас, аксинчи жуда кўп ва бир умр такомиллаштирилиб бориладиган жараёндир.

-“Сўз маҳоратида асар ғояси, олий мақсади, ахлоқий, маънавий, тарбиявий ибратини чуқур англаган, ўзлаштирган ҳолатда, ҳақиқий ижодий қатламларни забт этишга сафарбар қилиш мумкин. Инсон табиати, ички оламига чуқур сингдирилган, унинг асосий дардига, фикр туйғусига, мақсади ва маслагига айланган сўз, юксак таъсирчанликка уйғун сўз санъатига айланади” [2. 95].

Соф талаффузга, йўлга қўйилган овоз ва нафасга эга бўлмасдан туриб, сўз билан боғлиқ бўлган ижодий жараёнлар ҳақида фикр юритиш мутлақо мантиққа зид ҳолатдир. Товушлар талаффузида суствик ноаниқлик, ямланиш, сўзга бефарқлик ижрочилик санъатида катта нуқсон. Бу эса ўз ўрнида вақт ва эътибор эвазига ўзлаштирилиши мумкин. Чунки саҳнага чиққан ҳар бир ижрочи, қандай ҳаракат қилмасин ва қандай ажойиб нарсаларни ўйлаб топмасин барчаси маълум бир жумла, сўз, парчанинг туб маъносини, бошқача қилиб айтганда, бирор мақсадни очиб беришга хизмат қилади.

Калит сўзлар; жумла, талаффуз, саж, воқеа, топқирлик, ҳозиржавоб, кашфкор, тўлдириш, яратиш, мураккаб, хотира, талқин, техник, жиҳат, омил, артикуляция, дикция, пластик мутаносиб, бирикма, мураккаб, тасаввур, муносабат, жамлама.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”-2012. (416) бет.
2. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.Т.: “Абу матбуот-консалт”, 2015. (95) бет.
3. Джуманов И. Саҳна нутқи.-Т.: Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, 2007